



Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI FUQAROLARI — 1941-1945 ЙИЛЛАРДАГИ УРУШ ВА МЕХНАТ ФРОНТИ ФАХРИЙЛАРИНИ «ИККИНЧИ ЖАХОН УРУШИДАГИ ГАЛАБАНИНГ 70 ЙИЛЛИГИ» ЭСДАЛИК ЮБИЛЕЙ МЕДАЛИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

2015 йил 9 майда умумхалқ байрами — Хотира ва қадрлаш куни ўтказилиши, шунингдек, Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Галабанин 70 йиллиги байрам қилиниши муносабати билан фашизм устидан қозонилган Галабага бебаҳо ҳисса қўшган Ўзбекистон фуқаролари — 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини муносиб равишда ва иззат-икром билан шарафлаш мақсадида:

1. 1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Галабанин 70 йиллиги шарафига «Иккинчи жаҳон урушидаги Галабанин 70 йиллиги» эсдалик юбилей медали таъсис этилсин.

2. Белгилаб қўйилсинки, «Иккинчи жаҳон урушидаги Галабанин 70 йиллиги» эсдалик юбилей медали билан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари — «1941-1945 йиллардаги Улуг Ватан урушида Германия устидан қозонилган галаба учун» ва «Япония устидан қозонилган галаба учун» медаллари билан, уруш йилларида жанговар хизматлари учун олинган бошқа орден ва медаллар билан мукофотланган ёки уруш қатнашчиси гувоҳномасига ёхуд Ватан уруши ногирони гувоҳномаларига эга бўлган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронлари, шунингдек, Иккинчи жаҳон уруши йилларида фидокорона

меҳнати учун мукофотланган, шу жумладан, «1941-1945 йиллар Улуг Ватан урушидаги шавкатли меҳнати учун», «Меҳнатдаги жасорати учун», «Меҳнатда ўрнатилган кўрсаткичлари учун» медалларига ёки 1941-1945 йиллардаги уруш даврида қуролли кучларда фуқаро шахсларни эркин ёллаш бўйича штат лавозимида бўлганлик тўғрисидаги гувоҳномага эга бўлган меҳнат фронти қатнашчилари мукофотландилар.

3. «Иккинчи жаҳон урушидаги Галабанин 70 йиллиги» эсдалик юбилей медали тўғрисидаги Низом ва унинг тавсифи 1- ва 2-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги хузуридаги Пенсия жағмармаси билан биргаликда икки ҳафта муддатда «Иккинчи жаҳон урушидаги Галабанин 70 йиллиги» эсдалик юбилей медали билан мукофотланиши лозим бўлган 1941-1945 йиллардаги уруш фахрийлари ва ногиронларининг, меҳнат фронти

қатнашчиларининг аниқ рўйхатини тузиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

Марказий банк ва «Давлат белгиси» давлат-ишлаб чиқариш бирлашмаси билан биргаликда бир ой муддатда «Иккинчи жаҳон урушидаги Галабанин 70 йиллиги» эсдалик юбилей медаллари ва уларнинг гувоҳномалари бланклари белгиланган тартибда тайёрланишини таъминласин;

2015 йилнинг 1 мартига қадар Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган Галабанин 70 йиллиги мамлакатимизда кенг байрам қилинишига бағишланган тадбирлар дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин, унда 1941-1945 йиллардаги уруш ва меҳнат фронти фахрийларини «Иккинчи жаҳон урушидаги Галабанин 70 йиллиги» эсдалик юбилей медаллари билан тантанали ва байрамона вазиятда мукофотлаш чора-тадбирлари кўзда тутилсин.

6. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2015 йил 19 февраль

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 19 февралдаги ПФ-4704-сонли Фармонида 1-илова

«Иккинчи жаҳон урушидаги Галабанин 70 йиллиги» эсдалик юбилей медали тўғрисидаги НИЗОМ

1. «Иккинчи жаҳон урушидаги Галабанин 70 йиллиги» эсдалик юбилей медали билан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари — «1941-1945 йиллардаги Улуг Ватан урушида Германия устидан қозонилган галаба учун» ва «Япония устидан қозонилган галаба учун» медаллари билан, уруш йилларида жанговар хизматлари учун олинган бошқа орден ва медаллар билан мукофотланган ёки уруш қатнашчиси гувоҳномасига ёхуд Ватан уруши ногирони гувоҳномаларига эга бўлган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронлари, шунингдек, Иккинчи жаҳон уруши йилларида фидокорона меҳна-

ти учун мукофотланган, шу жумладан, «1941-1945 йиллар Улуг Ватан урушидаги шавкатли меҳнати учун», «Меҳнатдаги жасорати учун», «Меҳнатда ўрнатилган кўрсаткичлари учун» медалларига ёки 1941-1945 йиллардаги уруш даврида қуролли кучларда фуқаро шахсларни эркин ёллаш бўйича штат лавозимида бўлганлик тўғрисидаги гувоҳномага эга бўлган меҳнат фронти қатнашчилари мукофотландилар.

2. «Иккинчи жаҳон урушидаги Галабанин 70 йиллиги» эсдалик юбилей медалини топшириш Ўзбекистон Республикаси Президенти номидан — Ўзбекистон Республикаси мудофаа

вазири, Миллий хавфсизлик хизмати раиси, Ички ишлар вазири, Давлат божхона қўмитаси раиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғи Кеңеси раиси, вилоятлар, шаҳарлар ва туманларнинг ҳокимлари томонидан маҳаллий ҳарбий бошқарма органларининг, уруш ва меҳнат фронти фахрийлари кенгашларининг иштирокида тантанали вазиятда амалга оширилади.

Мукофотланганларга эсдалик юбилей медали билан бирга белгиланган шаклдаги гувоҳнома топширилади.

3. «Иккинчи жаҳон урушидаги Галабанин 70 йиллиги» эсдалик юбилей медали кўкракнинг чап томонига тақилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 19 февралдаги ПФ-4704-сонли Фармонида 2-илова

«Иккинчи жаҳон урушидаги Галабанин 70 йиллиги» эсдалик юбилей медалининг ТАВСИФИ

«Иккинчи жаҳон урушидаги Галабанин 70 йиллиги» эсдалик юбилей медали 0,25 микрограмм қалинликдаги оltин қопланган мис қотишмасидан тайёрланади ва диаметри 32 миллиметрли доира шаклида бўлади.

Эсдалик юбилей медалининг ўнг томонида таралаётган қуёш нурлари фониди «Хотира майдони» ёдгорлик комплексидаги Мангу олов ёнида «Мотамсаро Она» монументи тасвирланган. Монументнинг чап ва ўнг томонларида 1945 ва 2015 рақамлари ёзилган бўлиб, улар Иккинчи жаҳон уруши тугаган йил ва юбилей йилини англатади. Эсдалик юбилей медалининг



орқа томонида «Иккинчи жаҳон урушидаги Галабанин 70 йиллиги» сўзлари ёзилган. Ёзув дафна чамбари билан ўралган бўлиб, унинг новдалари пастда саккиз қиррали юлдуз билан тўшган.

Тасвирлар ва ёзувлар қаба-риқдир.

Эсдалик юбилей медалининг қирралари доира билан ҳошияланган.

Эсдалик юбилей медали халқачалар ёрдамида беш бурчакли колодка билан туташтирилади, унинг устки қисми Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи рангларидаги эни 24 миллиметрли шойи лента билан ўралган. Кўк, оқ ва яшил полосаларнинг эни 7 миллиметрдан, қизил полосаларнинг эни эса 1,5 миллиметрдан. Колодканинг баландлиги 48 миллиметр, эни 45 миллиметр. Тўғноғич ёрдамида қадалади.

САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВЛАР

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTLIGIGA NOMZOD XOTAMJON KETMONOVNING MAMLAKATIMIZ BUYLAB SAYLOVCHILAR BILAN UCHRASHUVLARI SAMIMIY RUHDA DAVOM ETMOQDA.



МАМЛАКАТИМИЗДАГИ ҲАР БИР ИНСОН

ҳаётдан рози бўлиб яшаши керак

Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ҳотамжон Кетмонов сайловли ташвиқоти доирасида 19 февраль куни Қорақалпоғистон Республикаси сайловчилари билан учрашди.

Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 1-Қорақалпоғистон округ сайлов комиссиясининг раиси Кенес Каримов очди. Президентлигига номзоднинг ишончли вакили Қуатбой Қурбонбоев йиғилганларни номзоднинг таржимаи ҳоли билан таништириб ўтди.

ФРАКЦИЯ ЙИГИЛИШИ

Янги қонун лойиҳалари муҳокама қилинмоқда

ЎзХДП фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда парламентга киритилган бир қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.



Дастлаб «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида корпоратив бошқарув соҳасида муҳим ҳужжат бўлган мазкур «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонун ҳалигача тўлиқ ишламаётгани ҳақида танқидий фикр билдирилган эди.

Хусусан, акциядорлар, авваламбор, акцияларнинг миноритар эгалари ўз ҳуқуқларидан тўлиқ фойдаланмаётгани, улар акциядорлик жамиятлари фаолиятига таъсир кўрсатмаётганига эътибор қаратилган эди. Шунингдек, бозор иқтисодларини чуқурлаштириш соҳасида қабул қилинаётган чора-тадбирлар, хусусан, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш мақсадида қонунларимизда белгилаб қўйилаётган

рағбатлантирувчи омиллар, преференциялар суд-ҳуқуқ соҳасининг таъсир кўрсатиш механизмлари билан мустаҳкамлаб қўйилган, мансабдор шахсларнинг маъмурий жавобгарлиги кучайтирилган тақдирдаги ўз самарасини бериши қайд этилган.

Мазкур қонун лойиҳаси ана шу масалаларни ҳал этишга хизмат қилиши кўзда тутилмоқда. Унга қўра, қонунга акциядорлар умумий йиғилишида жамиятни ўрта ва узоқ муддатга ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш, жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича амалга оширилаётган чоралар тўғрисидаги кузатув кенгаши ва ижроия органи ҳисоботларини мунтазам эшитиб бориш ҳақидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмоқда.

САЙЛОВ — 2015

Участкалар сайловга тайёр

Жиззах вилоятида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 463 сайлов участкаси ташкил этилган. Айни кунларда мазкур участкаларнинг барчасида жорий йилнинг 29 март куни бўлиб ўтадиган сайловга тайёргарлик ишлари қизгин бормоқда.

Бахмал туманида Ўзбекистон Республикаси Президентини сайловини ўтказувчи 61 участка сайлов комиссияси тузилган. 57-сайлов участкаси худудига Ўсман шаҳарчасидаги Мустақиллик, Ҳамид Олимжон кўчалари, Бог'тўп, Қаропчи мавзелари қиради. Мазкур участкага Бахмал маиший хизмат касб-ҳунар коллежидан 4 хона ажратилган ва улар барча зарур жи-

ҳозлар билан тўла таъминланган. Она ва бола, тиббиёт хоналари ташкил этилган.

Участкамиз қонун, йўриқнома, қўлланма, зарур адабиёт, номзодларни таништирувчи плакатлар билан таъминланди, — дейди участка сайлов комиссияси раиси Х.Тожиёв. — Комиссия аъзолари ўртасида вазифалар тақсимланиб, навбатчилик йўлга қўйилди. Сайловчилар

участқада сайловга оид қонунлар, кундалик маъмурий наشرлари билан танишиб, ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олмақда.

Бундай тайёргарликни вилоятдаги барча сайлов участкаларида кўриш мумкин. Сайлов участкалари сайловчиларнинг келишига қулай бўлган замонавий биноларда жойлашган. Участкаларнинг 240 таси симли телефон алоқасига эга. Симли телефон алоқаси етиб бормаган олис тоғ қишлоқларидаги сайлов участкалари мобил телефонлар билан таъминланган.

Сайлов участкаларида номзодлар ҳақидаги барча маълумот ва ахборотлар кўринarli жойларга осиб қўйилган. Ҳар бир партиядан кўрсатилган номзоднинг сайловли ташвиқоти учун тенг шaroит яратиш беришда участка сайлов комиссияларига жойларда ташкил этилган кўмаклашувчи гуруҳлар, маҳаллий ўзини ўзини бошқариш органлари яқиндан ёрдам бermoқда.

Участка сайлов комиссиялари аъзоларининг сайлов қонунчилиги бўйича билимини ошириш мақсадида шаҳар ва туманларда семинарлар ташкил этилмоқда.

Т.БЕКНАЗАРОВ, ЎЗА мухбири

«Ўзбекистон овози» газетаси сайтида ва навбатдаги сонларида. Президент сайлови эл-юртимиз фаровон келажagini таъминлашнинг муҳим омилли

САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВЛАР

МАМЛАКАТИМИЗДАГИ ҲАР БИР ИНСОН

ҳаётдан рози бўлиб яшаши керак

Тадбирда Президентликка номзод Хотамжон Кетмонов ўз сайловолди дастурининг асосий йўналишлари юзасидан нутқ сўзлади. У, хусусан, мамлакатимизда ижтимоий соҳани изчил ривожлантириш, жойларда турмуш шароитини янада яхшилаш билан боғлиқ масалаларга тўхталди.

Номзоднинг Сайловолди дастурида қабул қилинаётган қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатларини ошқор ҳақида конструктив муҳокама этишда фуқаролик жамияти институтлари иштироки амалиётининг изчил ривожланишини таъминлаш, электротариф манфаатларидан келиб чиқиб, давлат ишларини бошқариш масалаларида сиёсий партиялар ва уларнинг депутатлик бирлашмалари ҳуқуқ ҳақида ваколатларини янада кенгайтириш, фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг суд механизмлари оммабоплигини кенгайтириш ва суд қарорлари ижроси сифатини ошириш кўзда тутилган.

Учрашувда ЎзХДП Беруний туман кенгаши раиси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесиданги ЎзХДП фракцияси аъзоси Халилла Ешимбетов, Қорақалпоғистон Республикаси Маънавият тарғибот маркази раҳбари, «Қарақалпақстан ҳаёзи» газетаси бош муҳаррири Шарапатдин Аялов, Қорақалпоқ давлат университети талабаси Хурлиман Нуржанова ва бошқалар сўзга чиқиб, мамлакатимизда Президент сайлови кўппартиявийлик ҳамда муқобиллик асосида, халқаро демократик тамойилларга мос тарзда ўтаётганини эътиборга олди.

Сайловчиларни Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Хотамжон Кетмонов номзодини қўллаб-қувватлашга ундади.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Халқ демократик партиясидан номзод Хотамжон Кетмонов шу кунги Урганч шаҳрида халқаро сайловчилар билан учрашди. Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 12-Хоразм округ сай-

лов комиссиясининг раиси Атабай Раҳимов очиб, Президентликка номзоднинг ишончли вакили Раимберган Сабуровга сўз берди. У йиғилганларни номзоднинг таржимаи ҳоли билан таништирди.

Номзод сайловчиларни ўз дастурида белгиланган устувор масалалар, уларнинг моҳияти ва аҳамияти билан таништирди.

Президентликка номзоднинг сайловолди дастурида ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини аҳоли ўртасида боқимандалик кайфиятини бартараф этишга қаратиш, меҳнат ва тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш ҳамда нафақалар ва моддий ёрдам асосан кам таъминланган оилалар, қариялар ва болалар учун тақсимланишини таъминлаш каби бир қатор муҳим вазифалар белгиланган. Сайловчилар номзоднинг дастуридаги ушбу масалалар мамлакатимиздаги ҳар бир инсоннинг турмушидан рози бўлиб яшашда муҳим ўрин тутishiга алоҳида эътибор қаратди.

Таъкидландики, дастурда қайд этилган устувор йўналишларнинг рўёбга чиқиши мамлакатни ҳар томонлама ижтимоий ривожлантириш, халқ фаровонлигини изчил юксалтириш, демократик ўзгаришларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини равнақ эттиришга хизмат қилади.

Учрашувда ЎзХДП «Фаол аёллар» қаноти вилоят бўлими етакчиси Нодира Одамбоева, Хоразм кўптармоқли шифохона бош шифокори Баҳодир Исмоилов, вилоят «Маҳалла» жамғармаси раиси Олтибой Ражабов ва бошқалар сўзга чиқиб, миллий сайлов тизими халқаро мезон ҳамда меъёрларга мос келишини қайд этди. Сайловчиларни Президент сайловида фаол иштирок этишга чақирди.

20 февраль кунги Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан номзод Хотамжон Кетмонов Бухоро вилояти сайловчилари билан учрашди.

Учрашувни 3-Бухоро округ сайлов комиссияси раиси Мирзохид Даминов очди. Президентликка



номзоднинг ишончли вакили Саида Жўраева йиғилганларни номзоднинг таржимаи ҳоли билан таништириб ўтди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Хотамжон Кетмонов сайловчиларга ўз сайловолди дастури ҳақида атрафлича тўхталди.

Таъкидландики, аҳолининг давлат ва жамият томонидан қўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд қатламлари манфаатлари ҳимояси йўлида меҳнатга лаёқатли кишиларнинг муносиб ҳақ тўланадиган иш ўринларига эга бўлишига интилишини қўллаб-қувватловчи, уларнинг шахсий ташаббускорлиги ва ишбилармонлигини рағбатлантирувчи кучли ижтимоий сиёсат юритиш халқимизнинг турмуш фаровонлигини оширишда, ижтимоий адолат тамойилини изчил амалга оширишда долзарб аҳамиятга эга.

Мустақил ҳаётга кириб келаётган ёшларга, уларнинг ижтимоий кесидида ўтаётган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловидида Халқ демократик партиясидан кўрсатилган номзодни қўллаб-қувватлашларини маълум қилишди.

Шу куннинг ўзида Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Хотамжон Кетмонов Навоий вилоятидаги сайловчилар билан ҳам учрашди.

Учрашувни 5-Навоий округ сай-

лов комиссияси раиси Уткир Мавлонов очди. Президентликка номзоднинг ишончли вакили Акмал Асадов унинг таржимаи ҳоли билан таништирди.

Номзоднинг дастурида адолат ва меҳр-оқибат, очкилик ва ошқоралик тамойилларини кенг қўлланган ҳолда, маҳалла институтининг аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш маркази сифатидаги ўрни ва аҳамиятини доимий равишда ошириб бориш, ижтимоий аҳамиятга эга бўлган товарлар ва хизматлар нархини шакллантириш устидан давлат назорати самарадорлигини янада ошириш орқали уларнинг нархи ва тарифлари ўсиши инфляция даражасидан юқори бўлмаслигини таъминлаш, уй-жойларнинг ижтимоий мақбуллигини таъминлаш мақсадида ижтимоий турар-жой фондиди шакллантиришга йўналтирилган давлат мулкни хусусийлаштиришдан олинмаган маблағларнинг бир қисмидан самарали фойдаланиш механизмларини янада такомиллаштиришни таъминлаш масалаларига алоҳида аҳамият берилган.

Таъкидландики, иқтисодий сиёсатдаги асосий устуворлик давлатимизнинг молиявий ва иқтисодий қудратини оширишни кучли ижтимоий сиёсатга уйғунлаштириш, шу орқали аҳолининг қўллаб-қувватлашга эҳтиёжманд қатламлари турмуш даражасини оширишдан иборат бўлмоғи лозим.

Учрашувда Зарафшон шаҳридаги 13-умумтаълим мактаби директори Гулжапон Қаршиева, Навоий педагогика институти кафедра мудири Хуршид Қурбонов, Қонимех туманидаги 5-умумтаълим мактаби директори Иба Наризова ва бошқалар сўзга чиқиб, номзоднинг сайловолди дастурида ўртага ташланган масалалар бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб ўтди. Сайловчиларни 29-март кунги бўлиб ўтадиган сиёсий жараёнларда фаол иштирок этишга, Хотамжон Кетмонов номзодини қўллаб-қувватлашга чақирди.

Мнажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ, Рўзимбой ҲАСАН, Илҳом САТТОРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбирлари.

ЎзХДП МАҲАЛЛИЙ КЕНГАШЛАРИДА

■ Депутат аҳоли томонидан давлат ҳокимиятининг олий, маҳаллий вакиллик органларига сайланган ишончли вакилдир. Ҳар бир депутат ўзини депутатликка номзод этиб кўрсатган сиёсий партия, сайловчилар билан доимий равишда алоқа боғлаб туради, ваколатлари доирасида вакиллик ҳокимиятида уларнинг манфаатларини ифода этади.

Хатолардан тўғри хулоса чиқариш

уларни бартараф этишга хизмат қилади

Шундай экан, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлар ҳудудларда ислохотларнинг самарадорлигини таъминлашда асосий масъулиятни зиммасига олиши талаб этилади. Маълумки, ўтган йили декабрь ойида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига ҳам сайлов бўлиб ўтди. Яқинда туман ва шаҳар Кенгашларида партия гуруҳлари тузилди. Шу кунларда улар ўз фаолиятининг муҳим ва устувор йўналишларини белгилаб олмоқда. Бунда олдинги чақирдиқа фаолият юритган партия гуруҳларининг иш тажрибасини ўрганиш, таҳлил қилиш муҳим ўрин тутмоқда.

Навоий вилоят партия кенгаши ўтказган давра суҳбатига шу масалалар атрофида фикр алмашилди, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтган сайловларда йўл қўйилган камчиликлар муҳокама этилди.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, 2009-2014 йилларда партияимиздан сайланган депутатларнинг ҳаммаси ҳам талаб даражасида фаолият юритмади, — деди **ЎзХДП вилоят кенгаши раиси ўринбосари Ориф Тошонов**. Айрим депутатлар депутатлик

Одамлар ҳаётини илгари сурган партияни, қатъийлик ва талабчанлик кўрсатган, виждонан ишлайдиган кишиларни қўллаб-қувватлайди.

сўровини амалга ошириш ҳамда ҳудудларни ривожлантиришга доир масалаларни сессиялар кун тартибига олиб чиқишда фаол иштирок этади. Бунинг асосий сабабларидан бири депутатлар лоқайдлиги бўлса, иккинчидан, партия ташкилотлари билан депутатлар ҳамкорлиги мустақкам эмаслигида, деб ўйлайман. Биз истиқболдаги вазифаларни белгилаб олишда ана шундай ҳато ва камчиликларни бартараф этмоғимиз лозим.

Қайд этиш керакки, парламентнинг қуйи палатаси ва маҳаллий Кенгашларга сайловлар очки-ошқора, демократик тамойиллар асосида бўлиб ўтди. Сайловда барча сиёсий партиялар учун тенг шариоат яратилди. Номзодлар депутатлик учун кескин рақобат олиб боришди. Бизнинг вилоятда ҳам сайлов адолатли кураш остида ўтказилди. Аммо айрим ҳудудларда партияимиз номзодларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг сайловолди дастурини кенг тарғиб қилишда сусткашликка йўл қўйилди. Умуман, сайлов жараёнларида шу нарса яна бир бор аниқ бўлдики, одамлар ҳаётини илгари сурган партияни, қатъийлик ва талабчанлик кўрсатган, виждонан ишлайдиган кишиларни қўллаб-қувватлайди, уларга сўнади. Ҳар биримиз бутун фаолиятимиз давомида шуни асло эсдан чиқармаслигимиз лозим.

Сайлов якунларига кўра, ЎзХДПдан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига 2 нафар, халқ депутатлари вилоят Кенгашига 12 нафар, туман ва шаҳар Кенгашларига эса 72 нафар депутат сайланди. Улар ўзларига билдирилган ишончли оқлаши учун фаол ва ташаббускор бўлиш талаб этилади.

Давра суҳбатига жорий йилнинг 29 мартида бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида партия ташкилотларининг муносиб иштирокини таъминлаш, бошланғич партия ташкилотларида ўтказилаётган сиёсий ўқувларда шу масалага жиддий эътибор қаратиш бўйича фикр алмашилди, тегишли тавсиялар ҳам ишлаб чиқилди.

Гуруҳ ОДАШБОВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Илҳом САТТОРОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ФРАКЦИЯ ЙИГИЛИШИ

Шунингдек, акциядорлар умумий йиғилиши томонидан белгиланган муддатда тўланмаган ва олинмаган дивидендлар бўйича ҳисобланадиган пеня миқдори, тўланмаган (олинмаган) дивидендлар миқдорининг 50 фоизидан кўп бўлиши мумкин эмаслиги, йирик акциядорларга (25 фоиздан ортиқ акция эгаларига) дивидендлар мазкур жамиятнинг миноритар акциядорлари олдида дивидендлар бўйича қарздорлик мавжуд бўлмаслик шарт билан тўланиши кўрсатиб қўйилмоқда.

Йиғилишда биринчи ўқишда кўриб чиқилган «Йод етишмаслиги касалликларни профилактикаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгаришлар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси «Соғлом бола йили» Давлат дастури асосида ишлаб чиқилган.

Маълумки, йод танқислиги касаллиги дунёдаги кўп давлатлар учун соғлиқни сақлаш соҳасидаги энг долзарб масалалардан биридир. Бутунжаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти маълумотларига кўра, ер сайёрасининг учдан бир қисмида мазкур касалликнинг ривожланиш хавфи мавжуд. Дунё миқёсида 700 миллиондан ортиқ кишида йод танқислиги, 50 миллион кишида эса бу касаллик тўғрисида ақлий заифлик кузатиляпти.

Мазкур қонун лойиҳаси бу борадаги айрим масалаларни бартараф этишни назарда tutади.

Саттор РАҲМАТОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Маълумки, турли касалликларнинг олдини олишда энг самарали усуллардан бири йодланган ош тузини истеъмол қилиш ҳисобланади.

Давоми. Бошланғич 1-бетда.

Янги қонун лойиҳалари муҳокама қилинмоқда

ЎзХДП фракциясининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда парламентга киритилган бир қатор қонун лойиҳалари кўриб чиқилди.



Бугунги кунда республикамизда 123 та йодланган ош тузи ишлаб чиқариш ва қадоклаш корхоналари рўйхатга олинган бўлиб, ушбу корхоналар томонидан йодланган ош тузи тайёрланмоқда.

1994 йилда Бутунжаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти томонидан йод танқислиги ҳолатларининг олдини олиш мақсадида йодланган ош тузини истеъмол қилиш тавсия этилган сўнг МДХ, марказий ва шарқий Европа давлатлари томонидан ош тузини ялли йодлаш стратегияси асосида қонун ҳужжатлари қабул қилинган. Мазкур қонун ҳужжатлари

талабига кўра, ош тузи ихтиёрий ёки мажбурий йодланади.

Энди бевосита қонун лойиҳасига тўхталаядиган бўлсак, унга кўра, Қонуннинг 11-моддаси иккинчи қисмини ва 15-моддаси биринчи қисмини чиқариб ташлаш таклиф этилмоқда.

Қонунга мазкур таклиф, яъни ўзгариш киритилса, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган ва реализация қилинадиган ош тузи албатта йодлангани кераклиги тўғрисидаги меъёр қатъий қилиб белгиланади.

Инсон саломатлиги жуда кўп

омилларга боғлиқ. Аммо айрим одамлар ўз саломатликларини ўзлари барбод қилади. Оқибатини била туриб чекиш, ичиш каби зарарли одатлардан воз кеча олмайди. Айниқса, тамаки маҳсулотлари истеъмолчи нафақат чекувчи, балки ён-атрофдагиларнинг ҳам соғлигига салбий таъсир қилади. Депутатлар биринчи ўқишда кўриб чиққан яна бир қонун лойиҳаси шу масалалар билан бевосита боғлиқдир. «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги мазкур қонун лойиҳаси аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялашнинг ҳуқуқий асосларини янада мустақамлаш мақсадида ишлаб чиқилгани қайд этилди.

Бунёд ЭШОНКУЛОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутаты, ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Қонун лойиҳасига кўра, «Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисида»ги кодексига «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларини тарқатиш ва истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги Қонуннинг ижро механизмининг қайтагиришни назарда тутувчи ўзгариш ва қўшимчалар киритиш таклиф қилинмоқда.

Унга асосан, махсус ажратилган жойлардан ташқари жамоат жойларида, ёнғин чиқиш хавфи бўлган жойларда чекиш, алкоголь ичимликларини қуйиб сотиш руҳсат берилган савдо ва умумий овқатланиш объектлари ҳамда тўй, юбилей ва бошқа тантаналар ва маросимларни ўтказиш жойларидан ташқарида спиртли ичимликларни ичиш чекланадиган бўляпти.

Кодексга тегишли моддалар киритилаяпти. Хусусан, олтинчи боб жамоат жойларида тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш ҳамда алкоголь ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилиш тарғиб қилишни чекловчи янги меъёрлар билан тўлдирилаяпти.

Йиғилишда, шунингдек, бошқа қонун лойиҳалари ҳам атрафлича муҳокама этилди. Фракция аъзоларининг таклифлари асосида қонун лойиҳалари биринчи ўқишда концептуал жиҳатдан қўллаб-қувватланди.

Мазкур қонун лойиҳалари 20 февраль кунги Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг ялли мажлисида биринчи ўқишда кўриб чиқилди. Унда ЎзХДП фракцияси аъзолари қонун лойиҳаларини биринчи ўқишда маъқуллашни билдирди. Барча фракциялар ва экоҳаракат депутатлик гуруҳининг фикр-мулоҳазаларидан сўнг парламент қуйи палатаси қонун лойиҳаларини биринчи ўқишда қабул қилди.

Гуруҳ ОДАШБОВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.



■ ЖОРИЙ ЙИЛДА GALLUP WORLD ИНСТИТУТИ ЎЗБЕКISTON ЖАҲОННИНГ 30 ТА ЭНГ БАХТЛИ МАМЛАКАТЛАРИ ҚАТОРИДАН ЎРИН ОЛГАНИНИ ЭЪЛОН ҚИЛДИ.



■ БУГУНГИ КУНДА МАМЛАКАТИМИЗДА 8 МИНГ 100 ДАН ЗИЁД НОДАВЛАТ НОТИЖОРАТ ТАШКИЛОТИ ФАОЛИЯТ КўРСАТМОҚДА. БУ 2010 ЙИЛГА НИСБАТАН 1,6 МАРТА КўПДИР.

Порахўрлик, унинг олди-бердисиде воситачилик қилиш жамият тараққиётини орқага тортувчи оғир иллатдир

■ ХУҚУҚИЙ ИСЛОХОТ

Пора берманг, воситачилик қилманг

Бу жиноятлар учун жавобгарлик кучайтирилди

■ Мамлакатимизда суд-хуқуқ соҳасида амалга оширилган ўзгаришлар асосини демократик хуқуқий давлатнинг муҳим тамойилларидан бири бўлган қонун устуворлиги ташкил этади.

Шу боис суд тизимини босқичма-босқич ислоҳ қилиш мақсадида изчиллик билан олиб борилаётган давлат сиёсати мамлакат ижтимоий-иқтисодий негизига путур етказувчи омил сифатида намоён бўлаётган коррупциянинг ҳар қандай кўринишдаги таҳдидига қарши курашишни кучайтиришни тақозо қилади.

Маълумки, мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш, айниқса, мансабдорлар томонидан содир этилаётган порахўрлик жиноятларининг олдини олиш ва уларни фош этиш борасида кескин чоратадбирлар амалга оширилмоқда.

Коррупцияга қарши курашиш тизими асосан мансабдор шахсларнинг пора олиш ҳолатларини аниқлашга қаратилган бўлиб, уларни пора олишга қизиқтирувчи, воситачилик қилувчи ва бевосита пора берувчиларнинг кўп ҳолатларда жиноий жавобгарликдан қутулиб қолаётганлиги ушбу тоифа жиноятларини камайтиришга қаратилган ишларнинг самарадорлигига салбий таъсир кўрсатиб келди.

Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, айрим қонун ҳужжатларини ўз қучини йўқотган деб топиш тўғрисида»ги Қонун асосида Жиноят кодексининг айрим моддаларига киритилган ўзгариш ва қўшимчалар бу тоифа жиноятларига қарши курашишга қаратилган фаолиятимизнинг самарадорлигини оширади.

Хусусан, мазкур қонун билан Жиноят кодексининг пора бериш ва пора олиш-беришда

воситачилик қилганлик учун жавобгарлик белгиланган 211, 212-моддаларига қуйидаги иккита йўналишда ўзгариш киритилди.

Биринчиси, пора бериш ёки пора олиш-беришда воситачилик қилганлик учун жазолар тури, миқдори ва муддатлари ўзгаририлиб, пора олиш учун бериладиган жазолар тури билан бир хилда белгиланди, яъни эндиликда порахўрлик жиноятлари учун жазолар бирхиллаштирилди.

Иккинчиси, Жиноят кодексининг 211-моддасида пора берувчи шахс, 212-моддасида пора олиш-беришда воситачилик қилувчи шахс, башарти, жиноий ҳаракатлар содир этилгандан кейин бу ҳақда ўз ихтиёри билан арз қилса, чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, жиноятни очишда фаол ёрдам берган бўлса, жавобгарликдан озод этилишига оид рағбатлантирувчи қоида белгиланган эди.

Янги қонун билан ушбу қоидага ҳам ўзгариш киритилди. Унга кўра, пора берувчи ва пора олиш-беришда воситачилик қилувчи шахслар учун белгиланган юқоридаги каби рағбатлантирувчи қоидага қўллаш асослари чегараланди. Эндиликда пора берувчи ва пора-олиш беришда воситачилик қилувчи шахслар бундай жиноят ҳақида ҳар қандай вақтда хабар берганлиги учун жавобгарликдан озод этилмаслиги, балки жиноий ҳаракатлар содир этилгандан кейин бу ҳақда ўттиз сутка мобайнида ўз ихтиёри билан арз қилганга жавобгарликдан озод қилиниши белгиланди.

Қисқаси, янги қонун билан пора берувчи ёки пора олиш-беришда воситачилик қилувчи шахслар жиноий ҳаракатлар

содир этилган вақтдан ўттиз сутка ўтгандан кейин бу ҳақда хабар берган бўлсалар, улар жиноий жавобгарликдан озод этилмаслиги, балки умумий тартибда пора бериш ёки пора олиш-беришда воситачилик қилганлик учун жавобгарликка тортилиши қатъий белгилаб қўйилди.

Айтиш керакки, қонунда жавобгарликдан озод қилишнинг аниқ муддати белгилаб қўйилиши, пора берувчи ёки пора олиш-беришда воситачилик қилувчи шахсларда жавобгарликнинг муқаррарлиги хиссини, порахўрлик жиноятлари профилактисини оширишга хизмат қилади.

Энг муҳими, бундай шахсларга порахўрлик жинояти ҳақидаги хабарни белгиланган муддатда бериш мажбуриятини юқлаш орқали жиноятлар тез аниқланишига эришиш мумкин бўлади.

Шу ўринда мазкур қонун талабларининг янада тушу-

Маълумки, мамлакатимизда коррупцияга қарши курашиш, айниқса, мансабдорлар томонидан содир этилаётган порахўрлик жиноятларининг олдини олиш ва уларни фош этиш борасида кескин чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

нарли бўлиши учун пора берган ёки пора олиш-беришда воситачилик қилган шахсни жавобгарликдан озод қилиш шартларига алоҳида тўхталиб ўтсак.

Пора сўраб товлामачилик қилинган ёки пора олиш-беришда воситачилик қилган шахсни жавобгарликдан озод қилишига йўл қўйилмайди. Ўз ихтиёри билан арз қилиш ҳақида — пора берувчи



4-қисми ва 212-моддаси 4-қисмида қатъий белгиланган. Унга мувофиқ қуйидаги талабларнинг барчаси мавжуд бўлгандагина шахс жавобгарликдан озод этилиши мумкин: товламачилик йўли билан пора талаб қилинган ҳолат далиллар асосида тўлиқ тасдиқланганда;

ариза қонунда назарда тутилган муддатда, яъни ўттиз сутка мобайнида тақдим қилинганда;

ҳар қандай ноқонуний ташқи таъсирлардан (жисмоний, руҳий) холи тарзда ўз ихтиёри билан арз қилинганда;

пора берганлик ёки воситачилик қилганлик ҳақида ариза берган шахс ушбу жиноятни очишда фаол иштирок этганда;

қонуннинг ушбу бешта талабидан бирортаси мавжуд бўлмаганда пора берганлик ёки воситачилик қилганлик ҳақида ариза берган шахснинг жиноий жавобгарликдан озод қилинишига йўл қўйилмайди.

Ўз ихтиёри билан арз қилиш ҳақида — пора берувчи

ёки пора олиш-беришда воситачилик қилган шахснинг бу ҳақда ўз ихтиёри билан хуқуқни муҳофаза қилувчи органларга шахсан келиб ёзма ёки оғзаки шаклда қилган арзи тушунилади.

Тергов ёки суриштирув даврида аниқланган ёхуд хуқуқни муҳофаза қилувчи органларга олдиндан маълум бўлган пора бериш ёки пора олиш-беришда воситачилик қилиш ҳолатлари юзасидан берилган ариза жиноий жавобгарликдан озод қилишга асос бўлмайди. Бундай шахсининг жавобгарлик масаласи қонунда белгиланган умумий тартибда ҳал қилинади.

Ҳар қандай жиноят иши бўйича дастлабки тергов ва суриштирув жараёнига жалб этилган (гумонланувчи, айбланувчи, жабрланувчи, гувоҳ) шахс, шунингдек, хуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хуқуқбузарлик учун келтирилган шахсларнинг пора берганлик ёки пора олиш-беришда воситачилик қилганлик ҳақида арз билан мурожаат этиши бундай мурожаатнинг ихтиёрийлигини истисно қилади ва жиноий жавобгарликдан озод этишга асос бўлмайди.

Чин кўнгилдан пушаймон бўлиб, жиноятни очишда фаол

ёрдам бериш деганда, ўзига нисбатан пора сўраб товламачилик қилинган ёки пора олиш-беришда воситачилик қилган шахс шахсан ўзи хуқуқни муҳофаза қилувчи органга ўз ихтиёри билан келиб, содир этилган жиноят ҳолатлари ҳақида ўз ихтиёри билан баён этиши, қилмишига пушаймонлик билдириши, жиноятларнинг олдини олиш ва жиноятни очишга ёки унинг таъшилотчиларини ёхуд бошқа иштирокчиларини фош қилишга фаол ёрдам бериши тушунилади.

Хулоса қилиб айтганда, мазкур қонун билан жисмоний ва юридик шахсларнинг суд ҳимоясига бўлган хуқуқлари самарали таъминланишига эришиш, шахсларнинг бузилган хуқуқлари ва қонуний манфаатларини ўз вақтида тиклаш имкони яратилди. Шунингдек, бу қонун замирида порахўрлик иллатларининг тўлиқ йўқотиш, жамиятда қонун устуворлиги ҳамда адолат тамойилларини янада мустаҳкамлаш гоёлари мужассамдир.

Ғолиб ЭРҒАШЕВ,
Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилоят Ангрэн шаҳар судининг раиси.



Бактериялар

саҳро қумларини «цемент»лайди

Бугунги кунда она заминимизда чўлланиш даражаси юқориликча қолмоқда. Бу жараён айниқса, Африка қитъасида, анкроги, Сахрои Кабирда яққол кўзга ташланмоқда. Мутахассислар Африка жануби томон кенгайиб бораётган саҳроланиш жараёнини «тизгин»лаш учун Сахрои Кабирда 6 минг километр узунликда девор қуриш тақлифини илгари сурганлар.

Мазкур лойиҳа муаллифи Магнут Ларсоннинг айтишича, дейилади «ВВС» хабарига, девор Ҳинд океани қирғидан Атлантика океани қирғигача, яъни Шарқдаги Жибутидан Фарбдаги Мавританиягача чўзилади.

БМТ маълумотларига қайд этилишича, яқин 10 йилда саҳроланиш «босқини»дан сайёрамиз аҳолисининг учдан бир қисмига жабр етиши эҳтимоли юқориликча турибди.



Девор қурилишида ажойиб технология — бактериянинг алоҳида туридан фойдаланиш кўзда тутилмоқда. «Bacillus pasteurii» деб аталадиган, асосан ботқоқларда яшайдиган бактериялар ажойиб хусусиятга эга бўлиб, юқори ҳароратда улар ўзидан қандайдир номаълум модда ажратади ва ўша модда саҳро қумларини «цемент»лаб қотириб ташлайди. Бу эса кўчкларни юзага келишининг олдини олади. Ларсоннинг фикрича, саҳроланиш миқёсининг кенгайишига шу йўл билан тўсик қўйиш мумкин.

Мазкур усул хитойлик мутахассисларни ҳам қизиқтириб қўйди. Улар ҳам Гоби саҳроси қумларининг «босқини»га қарши курашда шу усулдан фойдаланишни маълум қўрмоқдалар.

Соғлом

турмуш тарзи

касалликларнинг олдини олади

Тиббиёт соҳаси мутахассислари шуни алоҳида таъкидлашадики, артериал қон босимининг ошishi, қонда холестерин даражасининг юқорилиги, доимий тамаки чекиш ва алкоголь ичимликлар истеъмоли бугунги кунда касалликлар ва ўлим юз беришининг асосий омиллари бўлиб қолмоқда.



Қайд этиш жоизки, чекиш оқибатида келиб чиқадиган касалликлардан ўртача 17,1 фоиз, мейёрдан ортқ овқатланиш оқибатида юзага келадиган касалликлардан 12,9 фоиз, ортқча вазн сабаб бўлган хасталиклардан 12,5 фоиз, алкоголь ичимликлар истеъмоли боис юзага келадиган хасталиклардан эса 11,9 фоиз бемор ҳаётдан кўз юмаркан.

Шу боис ҳам кейинги пайтларда кўпгина давлатларда соғлом турмуш тарзини қарор топтириш масаласига алоҳида эътибор қаратила бошланди. Бу эса аҳоли умрини узайтиришнинг асосий омилларидан биридир, дейилади «ria.ru» сайтидаги ахборотда.

■ МАТБУОТ АНЖУМАНИ

Офат рўй бермай туриб, унинг олдини олган афзал, деган ҳикмати гап бор. Дарҳақиқат шундай. Тошкент шаҳар Фавкулда вазиятлар бошқармаси бошлиғи билан ўтказилган матбуот анжуманида бу гап бот-бот такрорланди. Тадбирда қайд этилдики, аҳоли тинчлиги ва осейишталлигини таъминлаш, уларни рўй бериши эҳтимоли бўлган турли қўнғилсиз офатлардан муҳофаза қилишда, профилактик ишлар муҳим аҳамият касб этмоқда.

Вазият қатъий назоратда

Тошкент шаҳар Фавкулда вазиятлар бошқармасининг навбатчилик қисмига ёрдам ва маслаҳат сўраб шаҳар аҳолиси, меҳмонлари ҳамда ташкилотлар, муассасалардан ҳар йили минглаб мурожаатлар келиб тушади. Инсонлар ҳаётига хавф солувчи ва йирик миқёсдаги фавкулда вазиятларга олиб келиши мумкин бўлган қақурувларга бошқарма кутқарув отрядининг кутқарувчилари, мутахассислари зудлик билан зарур ёрдам кўрсатишга масъулият билан ёндашмоқда.

— Тошкент шаҳар ҳокимининг «2014-2016 йиллар давомида сув топиши билан боғлиқ бўлган фавкулда вазиятлардан Тошкент шаҳри аҳолиси ва худудларини муҳофаза қилиш борасидаги дастурни амалга ошириш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, худудларда махсус-тактик ўқув машқлари ўтказилди, — деди бошқарма бошлиғи Бахтиёр Раҳмонқулов.

Матбуот анжуманида алоҳида қайд этилдики, аҳолини фавкулда вазиятлардан муҳофаза қилиш ва хавфсизлигини таъминлаш Тошкент шаҳар Фавкулда вазиятлар бошқармасининг қатъий назоратидадир.

Равшан ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

■ РЕКЛАМА ЎРНИДА

«Микрокредитбанк» сармоялари

оилалар фаровонлигига хизмат қилмоқда

■ Мамлакатимиз истиқболи ва ривожига хизмат қилишга бел боғлаган кўплаб юртдошларимизни молиявий кўллаб-қувватлашда тижорат банклари, хусусан, «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки ҳам фаол иштирок этиб келмоқда. Жорий йилнинг «Кексаларни эъзозлаш йили», деб эълон қилинган муносабати билан банк томонидан амалга оширилиши зарур бўлган устувор вазифалар белгилаб олинди.



Хусусан, жорий йилда банк томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 358,5 миллиард сўм микродорида кредитлар ажратилиши режалаштирилмоқда. Мазкур

кредитларнинг 50 фоизи четдан жалб этилган ресурслар ҳисобидан қайта молиялаш ставкасида амалга оширилади. Бундан ташқари, бошланғич сармоя кредитлари миқдорини ўтган йилдаги нисбатан 1,2 баробарга ошириб, 62,2 миллиард сўмга етказиш кўзда тутилган. Шунингдек аёллар тадбиркорлигини молиявий кўллаб-қувватлашга 90,0 миллиард, касб-хунар коллежлари битирувчиларининг бизнес лойиҳаларини молиялаштиришга эса 45,2 миллиард сўм микродорида кредитлар ажратилади. Банк кредитлари орқали ўз

бизнесини йўлга қўйиб, оиласи фаровонлигини таъминлаш билан бирга янги иш ўринлари ташкил этаётган мижозлар сони кўпчиликини ташкил қилади.

Ўткин Иноятлов, яқка тартибдаги тадбиркор:

— Ёшлигимдан ўзимнинг хусусий корхонам бўлишини орзу қилардим. Шу боисдан коллежда ўқиб юрган вақтларимдаёқ дарвоза, эшик, ром ясайдиган устухона очини рожалаштириб қўйгандим. Ўтган йили коллежни тамолаб, «Оби-хаёт» хусусий корхонасини ташкил қилдим. Корхонамиз бугунги кунда намунавий лойиҳалар асосида бунёд этилаётган уй-жойларга дарвоза ва металл панжаралар ясаб етказиб бериб келмоқда. Фаолиятимизни бошлашда АТБ «Микрокредитбанк» Бухоро вилоятининг Янгибозор филиали катта ёрдам берди. Филиалдан олган 2,5 миллион сўмлик кредит маблағи эвазига хомашё сотиб олиб, тайёр маҳсулот чиқара бошладик. Банкнинг молиявий кўллаб-қувватлаши натижа-сида ишимиз юришиди. Ҳозир ўзим тенги 20 нафар ёшлар билан бирга ишлаяпмиз.

Барот Қучқоров, «Жаннат плюс-люкс» хусусий корхонаси раҳбари:

— Корхонамиз чарм кийим-ке-чак ва пойабзал маҳсулотларини

ишлаб чиқариш билан шуғулланади. Фаолиятимизни янада кенгайтириш ниятимиз бор эди. Аммо маблағимиз етарли бўлмагани боис кўлимиз калталиқ қилаётганди. Шунда тижорат банкларига мурожаат қилдик ва бизга АТБ «Микрокредитбанк» Бухоро вилоятининг Ромитан филиали тақлифлари маълум бўлди. Ушбу банк филиалдан 28 миллион сўмлик кредит олддик. Шу маблағ ҳисобига фаолиятимизни янада кенгайтириб, корхонамиз томонидан янги турдаги чарм кийим-кечак ва пойабзал маҳсулотларини ишлаб чиқара бошладик. Шунингдек, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилга нисбатан 2,5 баробарга ошгани боис кўшимча 15 нафар ёшни муқим иш билан таъминладик. Бундан ташқари, даромадимиз ҳам ортди. Масалан, бир йилда биз 1200 донадан ортқ маҳсулот ишлаб чиқариб истеъмолчиларга сотишга муваффақ бўлдик. Банкнинг кўмагидан миннатдоримиз. Бугунги кунда корхонамиз тўла қувватда ишлаб, аҳолига ҳар хил турдаги маҳсулотларни етказиб бермоқда.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

■ 2015 йилда ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ўсиш суръати 108 фоиз даражасида бўлиши кўзда тутилмоқда. Бу борада Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг 8,3 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг 6 фоизга кўпайиши белгиланмоқда.



■ 2014 йилда мамлакатимизда 1 миллионга яқин иш ўрни ташкил этилди. Уларнинг 60 фоизи қишлоқ жойларда яратилган.

ЁШЛАРГА ОИД ДАВЛАТ СИЁСАТИ — АМАЛДА

Улуғлардан улуғимсан, Ватаним

«Нима қилдик, Ватан учун!» шиори остида Андижонда ижодий фестиваль бўлиб ўтди

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси ҳамда Андижон вилояти ҳокимлиги ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда таниқли ёзувчи ва шоирлар, маданият ва санъат намояндалари, талаба-ёшлар иштирок этди.

Вилоят мусикали драма ва комедия театрида бўлиб ўтган учрашувда Президентимиз раҳнамолигида ёш авлоднинг жисмонан соғлом, маънавий етук инсонлар этиб тарбиялаш, ўғил-қизларимизнинг ўз истеъдод ва салоҳиятини тўлақонли намоён этиши учун замонавий шартит ва кенг имкониятлар яратиб борасида амалга оширилаётган ишлар юксак самаралар бераётгани алоҳида таъкидланди.

— Навқирон авлоднинг Ватанимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини юксалтириш йўлидаги эзгу ишларини рағбатлантириш, уларда мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотларга дахлдорлик, ёрқин истиқболимизга ишонч ва шукроналик туйғуларини янада мустаҳкамлашга қаратилган бугунги тадбир кўтаринки ва байрамона руҳда ўтмоқда, — дейди Андижон вилояти маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлиғи Урмонжон Нурматов. — Давлатимиз томонидан кўрсатилаётган улкан эътибор ва ғамхўрлик самарасида минглаб андижонлик ёшлар илм-фан, маданият, санъат ва спорт соҳаларида юксак марраларга эришиб,

юртимиз шухратини улуғлашга муносиб хисса қўшаётди.

— Европа давлатлари, хусусан, Италияда ўтказилган нуфузли халқаро санъат фестивалларида аввал Ватанимиз Ўзбекистон, сўнгра менинг номим ғолиблар қаторида тилга олинганида чинакам ифтихор туйғусини ҳис этганман, — дейди Жалақудук туманидаги 18-болалар мусика ва санъат мактаби ўқувчиси Мафтуна Маҳмуджонова.

— Бошқа юртлардан келган тенгдошларимизга давлатимиз томонидан ёшларга қаратилаётган эътибор ва ғамхўрлик самараларини интернет саҳифалари орқали кўрсатганимда, менга ҳавас билан қарашган. Шунда мен ёшларимиз



Учун ҳеч нарсани аямайдиган юрт — Ўзбекистон фарзанди эканимдан чексиз гурурланганман.

Таниқли санъаткорлар ва ёш ижрочилар иштирокидаги гала-концерт барчага кўтаринки кайфият бағишлади. Куй-қўшиқлар рақсларга уланди.

Фестиваль иштирокчилари юз-кўзидаги бахтиёрлик, сўзларидаги ишонч ва қатъият бугунги ҳаётимиздан мамнунлик, шундай юрт фарзанди эканидан ифтихор туйғусини акс эттириб турарди.

Шу кунни вилоят «Баркамол авлод» болалар марказида Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси, ёшлар маданият ва санъат маркази ҳамкорлигида ташкил этилган «Куйла, ёшлигим» танловининг

Андижон вилояти босқичи ҳам бўлиб ўтди.

Мамлакатимизнинг чекка ҳудудларида истеъдодли ёш ижрочиларни аниқлаш, уларга ўз салоҳиятларини юзага чиқариш учун кенг имконият яратиш ва рағбатлантириш мақсадида уюштирилган мазкур танловда 32 нафар эстрада санъатига қизиқувчи ёшлар иштирок этди. Муҳисса Ботирова, Адҳам Ғуломов, Рузалия Уринбоев каби ёшларнинг чиқишлари, айниқса, барчага манзур бўлди.

Ёш ижрочиларнинг истиқлол, Ватан, дўстлик ва ёшликни тараннум этувчи қўшиқлари йиғилганларда катта таассурот қолдирди. Энг муносиб иштирокчилар танловнинг мамлакат босқичида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Ф.УБАЙДУЛЛАЕВ, ЎЗА мухбири.

ОНА ТИЛИМ — ДОНО ТИЛИМ

Дунё халқларининг тил бойлиги ва маданий меросини асраш мақсадида буидан 16 йил муқаддам ЮНЕСКО томонидан 21 февраль — «Халқаро она тили кунини» деб эълон қилинди. Кеча Тошкент ахборот технологиялари институти қошидаги академик лицейда «Тил билгани эл билди» деб номланган маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.

Тилга ҳурмат — қадриятларга ҳурмат

Юнусобод туман ҳокимлиги, Республика маънавий тарғиботи туман маркази ва бир қатор маданият-маърифат муассасалари ҳамкорлигида ўтказилган мазкур тадбирни туман ҳокими Шавкат Жўраев очиб, йиғилганларни халқаро она тили байрами билан табриклади. Фалсафа фанлари доктори, профессор Жамила Шермухаммедова, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси Рустам Мусурмон ва бошқалар ҳар бир халқнинг ўз она тили ва дунё халқлари тилига, миллий ва маънавий қадриятларига ҳурмат эътибори дунёда тинчлик ва барқарорликни, миллатлараро муносабатларни мустаҳкамлашда муҳим восита эканлигини таъкидлади.

— Бугунги тадбирда туманимизнинг барча қол-леж ва лицейлари ўқувчилари иштирок этиб, жуда катта таассурот олди, — дейди ТАТУ қошидаги академик лицейнинг она тили ва

алабиёт ўқитувчиси Дилфуза Ғаниева. — Ўқувчиларимизнинг Тошкент давлат шарқшунослик институти қошидаги академик лицей ўқувчилари билан ҳамкорликда тайёрлаган ўзбек, корейс, араб, испан, инглиз тилларидаги бадиий чиқишлари, лицейда амалиёт ўтаётган Тошкент давлат педагогика университети талабаларининг саҳна кўринишлари тадбир иштирокчиларига ҳақиқий байрам кайфиятини бағишлади.

Мақсадимиз — ана шундай тадбирлар орқали ўқувчиларни хорий тилларни ўрганишга жалб қилиш, шу билан бирга, уларни кўпроқ китоб мутолаа этишга, дунёда энг бой тиллардан бири ҳисобланган она тилимиз имкониятларидан кенг-роқ фойдаланишга йўналтиришдан иборат. Бундай маънавий-маърифий тадбирларни келажакда ҳам давом эттирамиз.

Нурулло ТУРСУНОВ ёзиб олди.

ТАНЛОВ

Пойтахтимиздаги «Сити Палас» меҳмонхонасининг анжуманлар залида Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан «Жамият ва мен» ва «Эътироф» республика танловлари ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

ҒОЛИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Маълумки, мамлакатимизда сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш бўйича изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Айниқса, «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг ошқини тўғрисида»ги қонуннинг қабул қилиниши фуқароларимиз ва ОАВ ходимларининг турли соҳадаги мувожаатларининг ҳуқуқий кафолатланишига асос бўлди.

Фуқаролар ўз мувожаатларини озғани, ёзма ва электрон шаклда йўллаш имконига эга бўлди. Бу, ўз навбатида, медиа тузилмалар сонининг ўсиб боришига, интернет тармоқларининг янада ривожланишига йўл очди. Бугунги кунда 306 та веб-сайт ОАВ сифатида рўйхатдан ўтказилди. Уларнинг 98 фоизи нодавлат секторлар улушига тўғри келмоқда.

«Жамият ва мен» республика танловида 12 та номинация, яъни ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий, илмий, маданий ва спорт мавзулари, шунингдек, ижтимоий шериклик, жамоатчилик назорати бўйича тайёрланган материаллар, янги авлод, ўз замонасининг қаҳрамони, Соғлом бола йилига бағишланган мавзулар юзасидан, жами 23 нафар ғолиб аниқланди.

«Эътироф» республика танловида эса босма ОАВ журналисти, фотомужбири, энг яхши ҳудудий газета, энг яхши блогер каби йўналишларда ғолиблар аниқланди ва улар кимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Тадбир доирасида «Миллий ахборот маконининг жадал ривожлантириш борасида олиб борилаётган ислохотлар» мавзусидаги давра суҳбати ҳам бўлиб ўтди.

Унда сўзга чиққанлар бугунги кунда ахборот кураши ҳарбий кучлардан ҳам қудратли тус олаётгани, ёт ғояларни тарқатиш, инсон онгини бўйсиндириш ва бошқариш ахборот тарқатиш орқали амалга оширилаётгани ҳақида сўз юритар экан, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларни халқимизга кенг етказиш ҳар бир журналистдан чўқур билим ва салоҳият талаб қилишини таъкидлаб ўтишди.

Бобур ЭЛМУРОДОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

ЛУҚМА

Бу тўғрида икки йил муқаддам ҳам ёзгандик. Яъниким, эфирдаги «ҳожатбарорлар» — манфаатпараст совчилар тўғрисида. Мазкур чиқишимиздан сўнг Хоразм вилоятидаги хусусий телевидениелар танқиддан тўғри хулоса чиқаришди шекилли, эндиликда эфир орқали «Қизлар билан танишаман» мазмунидаги эълонларга чек қўйилди. Аммо...

Ким ким билан танишмоқда?

Уятсиз фонсатчилар эса пул дардида ёнмоқда

ТТВ — яъни, Қорақалпоғистон Республикасининг Тўрткўл шаҳрида фаолият юритаётган ойнаи ҳаҳон мутасаддилари ҳали ҳамон «савобталаб» совчилик билан ёшлар ҳаёлини ўғирлашяпти. Хар кун исталган пайтда эфирга узатиладиган қўшиқлар дастури билан бир вақтда «Хонқалик қизлар билан танишаман. Нуқсудан Ойбек», «Гўзал қизлар билан танишаман. Хўжайлидан Холмурот», «Ҳазораспик қизларга салом. Хивалик Сардор» мазмунидаги хусусий эълонлар тўхтовсиз равишда бериб бориляпти. Танишувга чорловчи йигит-қизнинг қўл телефони рақами ҳам тўлиқ эфирга узатилади...

ТТВ мутасаддилари бу хизматдан, албатта, ўзига яраша пул ишлашяпти. Сабоби, «Смс орқали TV сўзини 5742 рақамига юборинг» қабилидаги ёшларнинг чалгитувчи давват эфирда мунтазам берилди. Албатта, хар бир кирувчи «смс» фалон доллар туради. Бундан ҳам телефон компаниялари, ҳам телевидение моддий манфаатдор. Бу ёқда эса...

Туманимиздан бир қиз айнан ТТВдаги эълон туфайли бошқа бир туманда яшовчи йигит билан сиртдан танишади. Ваъдалар берилди ва қизнинг ота-онаси ноилож тўй қилишди. Бир ҳафта ўтмасдан қиз уйига бош эгиб қайтиб келди. Маълум бўлишича, йигит уйланган, аввалги хотини билан ҳали расман ажралишмаган экан. Бу ёқда икки

Рўзимбой ҲАСАН, «Ўзбекистон овози» мухбири.

СОҒЛОМ АВЛОД — ЮРТ ТАЯНЧИ

Тиббий хизмат сифати ошмоқда

Она ва бола соғлигини муҳофаза қилишнинг миллий моделини амалга татиқ этиш, асосан, профилактик тадбирларга ўтиш ва соғлом турмуш тарзи таъминларини жорий қилиш дастури асосида тиббиёт муассасаларини замонавий даволаш ва диагностика ускуналари билан жиҳозлаш, юқори малакали кадрлар тайёрлашга алоҳида аҳамият берилмоқда.

Айни вақтда юртимизда она ва бола соғлиги муҳофазаси умуммиллий ҳаракатга айланган. Тиббиётимиздаги мутлақо янги тизим бўлган перинатал, скрининг хизматлари, репродуктив саломатлик марказларининг самарали фаолияти натижасида ўсим қизлар, туғиш ёшидаги ҳамда ҳомилдор аёллар, ёш оналар саломатлиги доимий назорат қилиб боришмоқда. Сирдарё вилоят перинатал марказидаги шарт-шароитлар билан танишар эканмиз, бу борада олиб борилаётган изчил ислохотларнинг муҳиятини янада теранроқ аналдадик.

— Марказимиз ўн та бўлим, 150 та шифо ўрнига эга бўлиб, бу ерда 270 нафардан зиёд малакали тиббиёт ходими она ва бола саломатлиги муҳофазаси йўлида фаолият кўрсатиб келмоқда, — дейди шифо-

кор-неонатолог Сайёра Абдуллаева. — Ўтган йили она ва бола ўлими қайд этилмади. Муассасада ходимларнинг назарий ва амалий билимлари ортириб боришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу мақсадда қатор халқаро ташкилот ва тиббий муассасалар билан илмий ҳамда амалий ҳамкорлик йўлга қўйилган. Жумладан, Халқаро ЮНИСЕФ ташкилоти томонидан марказда бир неча бор ўқув-семинар ташкил этилди. Шунингдек, АҚШ ва Европа мамлакатларида малака ошириб келган шифокорлар томонидан хомилдорлик оғир кечган аёлларни, эрта туғилган чақалоқларни тиббиётнинг илғор технологиялари ёрдамида янада самарали даволаш, юқори малакали тиббий хизмат кўрсатиш сифати ошириб боришмоқда.



Марказ зарур ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозланганлиги боис юртимиз ва хорийда соҳага оид янгиликлар, энг сўнгги замонавий илғор технологиялардан ўз вақтида халқаро бўлиш имкони яратилган. Унинг моддий-техник базаси мунтазам ривожлантириб борилаётгани эса тиббий хизмат сифатини янада оширмоқда. Ёш мутахассисларни иш билан таъминлаш, билим ва малакаларини мунтазам ошириб бориш самарали йўлга қўйилган.

— Тиббиёт коллежини тамомлаганимдан сўнг чақалоқлар реанимациясига ҳамширалик вазифасига ишга олиндим, — дейди Дилноза МИРЗАЕВА. — Шу касбини танлаганимдан, меҳнат фао-

лиятимни айнан шу ерда бошлаганимдан ниҳоятда мамнунман. Олган билимларимни мустаҳкамлашда шифокор устозлар қиёндан кўмак бериб келмоқда. Энг сўнгги тиббий технологияларни ишла-тишни тезда ўзлаштириб олдим.

Перинатал марказида хомилдор аёллар мунтазам равишда тиббий кўриқдан ўтказиб турилади. Бу ерда аёл назоратдан ўтказилди. Аҳоли орасида тиббий маданиятини янада ошириш мақсадида давра суҳбатлари ўтказилмоқда, матбуот орқали тарғибот-ташвиқот ишларида алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Абдусалим МАҲМУДОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

MUASSIS:
Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV Ulu'bek Saidahmad RAHIMOV
Hotamjon KETMONOV MUSTAFOYEV Farrux HAMROYEV
Ulu'bek VAFOYEV Musiliddin (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Rustam KAMILOV MUHIDDINOV Tat'yana KISTANOVA
Sharbat ABDULLAYEVA Ochilboy RAMATOV (Bosh muharrir o'rinbosari)

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

Qabulxonasi — 233-65-45
Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56
E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent, Matbuotchilar ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi boshmaxonasiida chop etildi.
Korxonani manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Navbatchi: **Toshtemir XUDOYQULOV**
Sahifalovchi-dasturchilar: **Zafar BAKIROV Behzod ABDUNAZAROV**

ISSN 2010-7133

1 2 3 4 5 6